O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
24 AVGUST
SHANBA
№ 103-104 (26.963)
1918 yil
21 iyundan
chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Фрэнксни қабул қилди.

Яқинда халқаро аксилтеррор операцияси бошланганига бир йил тўлади. Бу муддат ичида халқаро коалиция Афғонистонда катта муваффақиятларга эришди. Айни кунларда қўшни юртда давлатчиликни янгидан шакллантириш, халқ хўжалигини тиклаш, мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш борасида сезиларли ўзгаришларни кузатиш мумкин. Албатта, бу хайрли ўзгаришларда Ўзбекистоннинг халқаро аксилтеррор коалициясига кўрсатаётган ёрдами муҳим омил бўлмоқда.

Бу — генерал Томми Фрэнкснинг мазкур операция бошланганидан буён ўтган вақт ичида тўртинчи бор Ўзбекистонга келиши. Президент Ислом Каримов, меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ҳар соҳада жадал ривожланаётгани, ишончли мулоқотлар кўпаяётганини мамнуният билан таъкидлади.

Учрашувда Афғонистондаги вазият, халқаро терроризм ва диний экстремизга қарши кураш, икки мамлакат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Бюджет бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Хокстра раҳбарлигидаги бир гуруҳ конгрессменларни ҳам қабул қилди.

Таъкидламоқ жоизки, бир вақтнинг ўзида мамлакатимизда АҚШнинг икки делегацияси меҳмон бўлаётгани ҳам Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари нечоғли катта суръат билан ривожланаётганини кўрсатади.

Яхши маълумки, АҚШнинг ички ва ташқи сиёсатида Конгресс муҳим ўрин тутади. 11 сентябрь воқеаларидан кейин бу яна бир карра яққол намоён бўлди. Қайси партиядан сайланганига қарамай, барча депутатлар жипслашди ва бир овоздан терроризмга қарши кураш ҳақидаги қарорни қўллаб-қувватлади.

Конгресс аъзоларининг мамлакатимизга ташрифлари ҳам давомий тус олган. Бу АҚШ олий қонун чиқарувчи органида Ўзбекистон билан муносабатларни янада ривожлантириш иштиёқи кучли эканлигидан далолатдир. Конгрессменларнинг юртимизга қизиқиши эса Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини равнақ топтиришда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Учрашувда Президент Ислом Каримов Конгресс фаолиятига юқори баҳо берар экан, халқаро террорчиликка қарши кураш доирасида амалга ошираётган ишлари учун АҚШ ҳукумати ва халқига миннатдорлик билдирди. Зеро, АҚШ бошчилигидаги халқаро коалициянинг саъй-ҳаракатлари билан қўшни Афғонистондаги террор ўчоқларига барҳам берилди ва Марказий Осиё барқарорлигига таҳдид солиб турган хавф камайди.

Бу гал юртимизга ташриф буюрган делегация Вакиллар палатасининг фан, таълим, транспорт, инфратузилма, молия, энергетика, савдо, ҳарбий ишлар, қишлоқ хўжалиги каби соҳалар билан шуғулланувчи қўмиталари вакилларидан иборат. Бу ҳам Конгрессда Ўзбекистон билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш истаги кучли эканлигидан дарак беради.

Меҳмонлар халқаро аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлагани ва инсонпарварлик ёрдамини етказишда халқаро ҳамжамиятга кўрсатаётган ёрдами учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада равнақ топтириш, терроризмга қарши кураш, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Афғонистондаги тикланиш ишларига кўпроқ ёрдам кўрсатиш имкониятларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

Суратларда: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

НАВОИЙ–УЧҚУДУҚ–СУЛТОН УВАЙСТОҒ–НУКУС ТЕМИР ЙЎЛИ БУНЁДКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни бугунги унутилмас воқеа — Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўлида йўловчи поездлар қатнови бошланиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мамлакатимиз ҳаётида беқиёс иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бу улкан иншоотнинг мустақиллик байрами арафасида ишга туширилишида ўзига хос рамзий маъно бор.

Иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган темир йўл тизимини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган, лойиҳа қиймати 38,9 миллиард сўмни ташкил этадиган ушбу қурилишнинг айнан истиқлол йилларида амалга оширилгани мустақиллик халқимиз учун берган имкониятларнинг яна бир ёрқин намоёнидир, десак, асло хато бўлмайди.

Бу эса Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини барпо этиш, минтақадаги фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштириш, катта миқдордаги валюта маблағларини ишлаб топиш ва тежаш, одамларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, кўплаб янги иш ўринларини очиш, шаҳар ва қишлоқларда йирик саноат корхоналарини бунёд этиш, энг муҳими, жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш имконини беради.

Мен оғир табиий шароитга қарамасдан, туну кун фидокорона меҳнат қилиб, мураккаб муҳандислик ва техник ечимларни ўз ичига олган янги магистрал йўлни барпо этишда мардлик ва жасорат кўрсатган лойиҳачи ва инженерларни, қурувчи ва монтажчиларни, темирйўлчиларни, маҳаллий ҳокимият вакилларини, бир сўз билан айтганда, мана шу савобли ишга ҳисса қўшган барча юртдошларимизни қўлга киритилган улкан меҳнат ғалабаси билан яна бир бор муборакбод этаман.

Ишончим комилки, сизларнинг матонатингиз, билим ва маҳоратингиз билан барпо этилаётган мана шундай каттакатта йўллар ўзининг ёруғ келажаги сари интилаётган мамлакатимиз, халқимиз олдида янги истиқбол уфқларини очиши муқаррар.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳорманг, ҳамиша омон бўлинг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ДИҚҚАТ! 254-ПОЕЗД ЯНГИ ЙЎНАЛИШ БЎЙЛАБ ЙЎЛГА ЧИҚДИ!

Темир йўл транспорти барча мамлакатлар иқтисодиётининг асосий алоқа воситаси ҳисобланади. Жўғрофий жиҳатдан денгиз йўлларидан бир қадар узоқда жойлашган Ўзбекистон учун эса у янада катта аҳамиятга эга. Чунки айни шу темир йўллар юртимизни жаҳон иқтисодиёти билан чамбарчас боғлайди. Мамлакатимиз ички ва ташқи савдосида эса янги ерлар, фойдали қазилма конларини комплекс тарзда ўзлаштириш, темир йўл орқали юк ва йўловчиларни ташишда транспорт таъминотини яхшилаш имконини беради.

Шу боис, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ушбу соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилди. Вазирлар Маҳкамаси 1993 йилда қабул қилган Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўл линиясини таъмирлаш ва қуриш масалалари тўғрисидаги қарор бунинг яна бир яққол далилидир.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ўтган давр мобайнида мавжуд Навоий-Учқудуқ, Нукус-Султон Увайстоғ темир йўл линиялари таъмирланди, Учқудуқ-Мискин-Тўрткўл-Султон Увайстоғ йўналиши бўйича янги темир йўл магистрали қуриб битказилди. Қурилишнинг дастлабки босқичида юк ташувчи поездлар ҳаракатининг очилгани мазкур йўналиш бўйича юк ташиш обороти сезиларли даражада ошишига олиб келди.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида янги қурилган Учқудуқ-Мискин-Тўрткўл-Нукус темир йўлида йўловчи поездлари ҳаракати бошланди.

22 август куни янги темир йўл линияси бўйича ҳаракатланадиган «Тошкент-Нукус» йўналишидаги 254-рақамли дастлабки поезд пойтахтимиздан йўлга чиқди.

Шу муносабат билан «Тошкент-Марказий» бекатида тантанали митинг бўлиб ўтди. Тадбирни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг раиси Р.Зоҳидов очди.

Таъкидланганидек, мазкур янги темир йўлда йўловчи поездлари қатновининг бошланиши нафақат темирйўлчиларимиз, балки бутун мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга молик воқеадир. Зеро, бунинг натижаси ўлароқ, ҳамюртларимиз учун талайгина қулайликлар яратилди. Шу билан бирга у катта миқдордаги валюта маблағини тежаш ва ишлаб топиш имконини беради.

«Тошкент-Нукус» йўловчи поездининг янги темир йўл линияси бўйлаб соатига 80 километргача тезликда ҳаракатланиш имкони пайдо бўлди. Йўлга кетадиган вақт эса қўшни Туркманистон ҳудуди орқали ўтадиган йўналишдагига нисбатан етти соатга қисқарди. Ўнлаб янги станциялар, темир йўл бекатлари барпо этилиши туфайли йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, янги иш ўринлари очилди.

Янги йўналиш бўйича йўлга шайланган дастлабки йўловчи поезднинг рамзий лентасини Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири А.Орипов қирқади.

Дастлабки поезднинг илк йўловчилари меҳнат фахрийлари, йўл қурилишида иштирок этган илғор ишчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткор ва журналистлар бўлди.

Карнай-сурнай садолари остида йўлга чиққан «Тошкент-Нукус» поездини вокзалда мамлакатимиз жамоатчилиги вакиллари кузатиб қолди.

Тадбирда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов иштирок этди.

■ (ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, дунё миқёсидаги шон-шуҳратини ва обрўсини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни равнақ топтириш йўлидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

АКРАМОВА Дилбар — Ўзбекистон «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси

БОБОЖОНОВ Ислом Олимович — Хоразм вилояти ҳокими

ЗОКИРОВ Марат — Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейи директори



ЛАТИПОВ Азим Шукурович — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги раиси

САИДОВ Муродулло — Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги Жейнов ширкат хўжалиги раиси



ШАРАФИДДИНОВ Озод Обидович — «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, адабиётшунос

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 23 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН МАРҲУМ ФАН ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиётига бахшида этган бетакрор истеъдодли ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган катта илмий-ижодий меросни инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

Ҳабиб АБДУЛЛАЕВ — академик
Содиқ АЗИМОВ — академик
Тўхтасин ЖАЛИЛОВ — Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор
Убай ОРИПОВ — академик
Игорь САВИЦКИЙ — Ўзбекистон санъат арбоби, рассом
Тошмуҳаммад САРИМСОҚОВ — академик
Саъди СИРОЖИДДИНОВ — академик
Обид СОДИҚОВ — академик
Ҳамид СУЛАЙМОНОВ — Ўзбекистон фан арбоби, манбашунос олим
Олим ХЎЖАЕВ — Ўзбекистон халқ артисти, актёр
Собир ЮНУСОВ — академик
Тошмуҳаммад Қори НИЁЗИЙ (Қориниёзов) — академик
Яҳё ҒУЛОМОВ — академик

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 23 август

ИСТИҚБОЛГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

Навоий-Учқудуқ-Тўрткўл-Нукус янги темир йўл линияси бўйича ҳаракатланувчи «Тошкент-Нукус» йўналишидаги биринчи йўловчи поезди 23 август тонггида Навоий вилояти ҳудудига кириб келди.

«Навоий» бекатида меҳмонларни вилоят раҳбарлари, темирйўлчилар ва жамоатчилик вакиллари кутиб олди.

Айтиш жоизки, мазкур темир йўл қурилиши «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси буюртмаси асосида ва «Ўзбектранскурилиш» давлат уюшмаси бош пудратчилигида амалга оширилди. Шунингдек, «Қизилқумнодирметаллолтин», «Ўзсувқурилиш», «Ўзавтойўл» давлат концернлари, «Ўзбекнефтгазқурилиш» давлат акциядорлик жамияти, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Мудофаа вазирликларининг жойлардаги бўлимлари мутахассислари, ишчи ва қурувчиларининг ҳалол ва фидокорона меҳнати, пешона тери эвазига муддатидан олдин уддаланди.

Меҳмонлар вокзал биноси мажмуи билан танишгач, тантанали йиғилиш бошланди. Уни вилоят ҳокими Б.Рўзиев очди.

Йиғилишда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Р.Зоҳидов сўзга чиқди.

Худди шундай тадбир «Учқудуқ-2» бекатида ҳам бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, халқ шоири Ж.Жабборов, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси вазифасини бажарувчи Е.Толстов, Зарафшон қурилиш бошқармаси бошлиғи Н.Дяков ва бошқалар бу улкан иншоот мамлакатимиз ҳаётида катта иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Юртимизда ягона темир йўл тизимининг барпо этилиши Навоий вилоятида фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштириш, одамларнинг узоғини яқин қилиш, жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги боғ-роғлар, фермер хўжаликлари барпо этиш, юзлаб иш ўринлари очиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда)

ИСТИҚБОЛГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Янги темир йўл йўналишининг ишга туширилиши, айниқса, унинг Қизилқум чўли орқали ўтиши вилоятнинг янада гуллаб-яшнаши, халқ хўжалиги учун муҳим юкларнинг ўз вақтида ташиб олинишида жуда қўл келади. Вилоят ҳудудида 15 станция барпо этилди, ўнлаб тураржой ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлади. Янги пўлат изларнинг 114 километри бевосита навоийликлар иштирокида муддатидан анча олдин қуриб битказилди.

«Тошкент-Нукус» йўналишидаги биринчи йўловчи поезди йўловчилари — вазирлик ва идоралар, компаниялар вакиллари, меҳнат фахрийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда бир гуруҳ ижодкор зиёлилар навоийликларни янги темир йўл қуришда фаол иштирок этганлиги билан қутлади.

...Поездни Қорақалпоғистон Республикасидаги «Тўрткўл» бекатида шоду хуррамлик билан кутиб олишди. Бу ерда янги вокзалнинг очилиши маросими бўлди.

«Нукус» бекатида бўлиб ўтган тантанали йиғилишни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Навоий-Учқудуқ-Султон Увайсғоғ-Нукус темир йўли бунёдкорларига табригини Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ўқиб эшиттирди.

Қорақалпоқ заминида ўтган тантанали тадбирларда сўзга чиққанлар, янги магистрал йўлнинг ишга тушиши иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган темир йўл тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилажагини таъкидладилар.

Янги линиянинг афзаллигини ҳаётий мисолларда таърифлайдиган бўлсак, эндиликда (Туркманистонни четлаб ўтадиган) бу йўлдан ҳар бир тонна ёнилғи-мойлаш ва қурилиш материалини ташишда қанча-қанча маблағ тежалади.

— Минтақамизда жорий йилнинг ўтган 7 ойида 1 миллиард 179 миллион тонна-километр юк айланиши амалга оширилган бўлса, шундан 33 фоизи, яъни 388 миллион тонна-километри янги қурилган линия ҳисобига тўғри келади, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси юк ташиш бўйича Қорақалпоғистон минтақавий маркази бошлиғи Тинчлик Темирбоев. — Шунингдек, Учқудуқ-Нукус йўналишидаги янги линия қурилишида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний ва Қораўзак станцияларидаги бунёд этилди. Нукус темирйўл шоҳбекати замонавий андозада қайта таъмирланди.

— Туманимиз ҳудудидан темир йўл ўтгани биз, қурувчиларни жуда қувонтирди, — дейди Элликқалъа тумани 2-қурилиш бирлашмаси бошлиғи Нагмет Дўсчанов. — Оғиримиз енгил, узоғимиз яқин бўлди. Илгари қурилиш материалларини 50-70, ҳатто 100 километр масофадан не машаққатлар билан ташиб келтирган бўлсак, эндиликда туманимиз марказига яқин жойдаги станциядан олиб келяпмиз.

Янги бекатларда бўлиб ўтган барча тантанали тадбирларнинг иштирокчилари Президентимиз Ислом Каримов Навоий-Учқудуқ-Султон Увайсғоғ-Нукус темир йўли қурилиши лойиҳасининг ташаббускори эканини таъкидладилар ва қурувчиларни мунтазам равишда рағбатлантириб тургани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Истиқлол тантаналари арафасида Навоий-Учқудуқ-Султон Увайсғоғ-Нукус темир йўлининг очилиши бунёдкор халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллигига яна бир муносиб туҳфаси бўлди.

■ **Ғулом МИРЗО, Ёрқул УМАР, Аминбой ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбирлари**

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ДИН

Тошкент ислом университетида республикамизнинг шарқшунос олимлари, таниқли уламолар, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги билим юрти раҳбарлари, муддарислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситаларида диний мавзуларнинг ёритилишига бағишланган мазкур тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳуснидинов «Ўзбекистонда диний бағрикенглик асосларини мустаҳкамлаш ҳамда диний экстремизмга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти» мавзуида маъруза қилди. Шунингдек, «Виждон эркинлиги ва матбуот», «Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида диний бағрикенглик мавзуининг ёритилиши», «Мустақиллик, дин ва матбуот» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Ҳар ким ўз фикр-мулоҳазаларини, воқеа-ҳодисаларга муносабатини матбуот, телевидение ва радиода эмин-эркин билдириши мумкин. Бу ҳуқуқ ва имкониятни бизга мустақиллик берди. Ўтиш даврини бошдан кечириб, бир тизимдан тамомила бошқа тизимга ўтмоқдамиз. Кишиларда миллий ғурур уйғотиб, қадриятларимизни тиклайдиган, замон талабларига мос мафкурани, дунёқарашни шакллантириш оммавий ахборот воситалари олдида турган энг масъулиятли вазифадир.

Маълумки, кейинги вақтларда оммавий ахборот воситаларида диний мавзу кенг ёритилмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирокида аҳоли онгида ақидапараст оқимларга нисбатан муросасиз муносабат шакланди. Ақидапарастликка қарши кўплаб мақолалар чоп қилиниб, радио ва телевидениеда кўрсатув ва эшиттиришлар бериб борилмоқда. Аммо ҳали-ҳамон ноаниқ, баъзан асоссиз маълумотлар, саёз мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар ҳам учраб тургани сир эмас. Турли савия ва ёшдаги кишилар диний мазмундаги чиқишлардан манба сифатида фойдаланишлари, юзаки маълумотлар эса минг-минглаб одамлар фикрини чалғитиши, нотўғри хулоса чиқаришига олиб келиши мумкин. Шунинг учун анжуманда мазкур мавзудаги чиқишлардан олдин соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиш фойдадан холи бўлмаслиги алоҳида таъкидланди.

■ **(ЎзА)**

ШУ АЗИЗ ВАТАН – БАРЧАМИЗНИКИ!

Навоий шаҳрида вилоят ҳокимлиги, республика Байналмилал маданият маркази, республика «Маънавият ва маърифат маркази»нинг вилоят бўлими ҳамкорлигида «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» мавзуидаги дўстлик фестивали бўлиб ўтди

Анжуманни очар экан, вилоят ҳокими Б.Рўзиев кўп миллатли навоийликлар номидан фестиваль қатнашчиларини муборакбод этди. Ушбу тадбир мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланиб, турли миллат ва элатларнинг Ватан равнақи, эл тинчлиги, юрт фаровонлиги йўлидаги ҳамжиҳатлигининг ифодаси эканини таъкидлади.

Фестивалда 90 дан ортиқ миллат ва 30 га яқин миллий-маданий марказларнинг вакиллари қатнашди. Улар ўзларининг чиқишларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар масалаларига давлатимиз раҳбари томонидан берилаётган эътибор, тинчлик ва дўстликнинг мамлакатлар тараққиётидаги ўрни ҳақида гапирдилар. Атоқли адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов тинчликни эъзозлаш, унинг қадрига етиш, мустаҳкамлашда юртимизда яшаётган барча миллатларнинг бемисл ҳиссасини ўз сўзлари ва шеърлари билан ифода этди.

Ўзларининг табрик ва тилакларини билдирган турфа элатга мансуб юртдошларимиз Ўзбекистонни ўз Ватани деб билишади, тақдирлари эса Ўзбекистон тақдири билан туташ экани, миллий маданиятларининг ривожи Ўзбекистон тараққиётининг узвий қисми, деб ҳисобланишини изҳор қилдилар.

Шунингдек, фестиваль доирасида «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этилди. Конференцияда миллий истиқлол ғоясининг моҳияти, диний бағрикенгликнинг халқимиз ҳамжиҳатлигидаги ўрни, маънавият, маърифат ва мафкура соҳасида, шунингдек, миллий ва умумбашарий қадриятларни ёшларимиз онгига сингдириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маърузалар тингланди.

Фестиваль ниҳоясида Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» ўйингоҳида турли миллат вакиллари иштирокида катта концерт намойиш қилинди.

■ **(ЎзА)**

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ IX СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ҚОНУН — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси шу кун талабига ҳамда халқаро меъёрларга мос қонун ва қонун ости ҳужжатларининг амалда самарали қўлланиши борасида бир қатор ишлар олиб бормоқда. Жумладан, 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири IX сессия муҳокамасига қўйилиши ушбу қўмитанинг саъй-ҳаракатларидан биридир.

Мухбиримиз қўмита аъзоси, Олий Мажлис депутати Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ билан мулоқотда бўлди.

— Бахтиёр Мамажонович, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририга нима учун эҳтиёж туғилди? Қабул қилинаётган янги таҳрирдаги қонуннинг соҳа ривожига таъсири энди қандай бўлади?

— Тегишли ташкилот ва идора мутахассислари билан ўрганилганда «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг давр талабига жавоб бермай қолганлиги яққол сезилиб қолди. Қонун амалга жорий этилгандан кейин фуқаролик Кодексининг қабул қилиниши, Ўзбекистоннинг селекция ютуқларини ҳимоя қилиш халқаро конвенциясига қўшилиши ундаги талаб ва тартибларга қонун моддаларини мослаштиришни тақозо этди. Шунингдек, янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида селекция ютуқларини рўйхатга олиш тартиблари соддалаштирилди ва ихчамлаштирилди. Унинг муддати, ҳамда селекция ютуқларига эгалик қилиш, уни ҳимоялаш ҳуқуқлари, патент олиш тартиблари ва айрим тушунчалар халқаро меъёрларга мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди. Масалан, авваллариселекция ютуғи бўйича патент идораси томонидан патент ёки гувоҳнома берилган бўлса, энди ягона патент бериш кўзда тутилмоқда.

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида селекция ютуқлари бўйича ягона давлат реестри юритилиши ўрнига чорва насллари бўйича алоҳида, ўсимлик навлари бўйича алоҳида давлат реестрлари юритилиши мўлжалланмоқда. Бу илм-фан ва ишлаб чиқаришда янги муваффақиятларга замин ҳозирлайди.

— Қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолиятига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Қўмита мутахассислар, тегишли вазирлик ва идора раҳбарларини жалб этган ҳолда бир неча меъёрий ҳужжатлар ҳамда қонунларнинг жойлардаги ижросини назорат тариқасида ўрганиб чиқди. Жумладан, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида, «Ўзпахтасаноат» уюшмасида ва «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик компаниясида «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ўрганилди.

Хулосалар шуни кўрсатдики, сўнгги йилларда уруғлик чигит сифати яхшиланган. Сифатли уруғлик чигитни яратиш мақсадида уруғлик пахта етиштирувчи хўжаликларни тендер асосида танлаб олиш йўлга қўйилди. Пахта уруғчилигида моддий манфаатдорлик механизмлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Дон уруғчилиги бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилди. Секин-аста тупроқ, сув ва иқлим шароитларига мослашган ҳолда бевосита вилоятларда алоҳида дон уруғчилиги билан шуғулланадиган хўжаликлар ва корхоналар ташкил қилинди.

Лекин ўрганиш жараёнлари шуни кўрсатдики, қабул қилинган қонунларга кўп ҳолларда амал қилинмаётганлик фактлари ҳам бор. Бу «Ўзсабзавотнавуруғлари» уюшмаси ва «Ўзкартошканавуруғлари» фирмаси ва айрим вилоят ташкилотларида содир этилмоқда.

Айниқса, сабзавот уруғларини етиштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Хоҳлаган давлатлардан тегишли рухсатномаларсиз кўплаб сабзавот уруғлари олиб келинаётганлиги, бунинг натижасида соҳада тузатиб бўлмайдиган хатоликларга йўл қўйилаётганлигини алоҳида қайд этиш керак.

Депутатлар ишчи гуруҳи «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятида ижросини ўрганиш жараёнида бир қанча муаммоли масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Тўғри, вилоятда парранданинг янги наслларини яратишда, балиқчиликда маълум даражада ижобий ишларга эришилган. Лекин қонун ижросида хатоликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун талабларига биноан зотли моллар генофондини сақлаб қолиш, четга сотиш, асоссиз чиқим қилиш тақиқланган бўлса ҳам, бундай ҳоллар ҳамон давом этаётгани ташвиш билан қайд этилди. Вилоятда наслли моллар маҳсулдорлиги ошмаётганлиги ва уларга етарли миқдорда озуқа берилмаётганлиги сингари ҳолатлар борлиги ачинарлидир.

Олиб борилаётган ишлардаги хатоликлар нафақат қорамол наслчилигида, шунингдек, майда шохли моллардa ҳам давом этаётганлиги таъкидланди. Шу билан бирга асаларичиликдаги ишларда кенг имкониятлар мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Хуллас, қўмита икки сессия оралиғида режадаги ҳамма ишларни амалга оширди. Бўлажак сессияга эса пухта тайёргарлик кетаяпти.

■ **Суҳбатдош: Маъмуржон ҚИЁМОВ «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЖАҲОН БИЛАН БЎЙЛАШАДИ

Жаҳон даражасидаги соғломлаштириш маскани Чорвоқ сув омборининг ҳушманзара ўнг соҳили — Боқачўлда қад кўтарди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Чимён-Чорвоқ курорт зонасида табиий бойликларни сақлаш ҳамда соғломлаштириш ва дам олиш тизимини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилинганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда улкан ҳажмдаги ишлар бажарилган.

Барча масалалар комплекс ҳал этилмоқда. Масалан, энг мураккаб ва зарур муаммо ҳал этилган: Чирчиққача канал қувури тортиб борилган. Энди оқава сувлар кимёгарлар шаҳридаги тозалаш корхоналарида қайта ишланади. Пойтахтимиз ҳамда Тошкент минтақасини тоза сув билан боқувчи нодир ичимлик суви манбаи Чорвоқ эса тозалигича қолади!

Йўллар яхшиланаяпти — улар кенгайиб, текис бўлмоқда, хавфли кескин бурилишлар йўқ. Денгиз соҳилидаги 150 минг кубометрдан ортиқ ахлат чиқариб ташланган. Водопровод, электр ва алоқа тармоқлари ўтказилган, уяли телефон компаниялари ўзларининг узаткичларини йўлга қўймоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли ҳар бири 100 ўринга мўлжалланган учта дастлабки тўрт юлдузли меҳмонхона шу йилнинг ўзидаёқ ишга тушади. Бу ерда дам олиш учун барча шароит: қулай ва шинам хоналар, бассейн ва ресторанлар, ижара пунктлари ва автомобиль сақлаш жойлари муҳайё.

Янаги йил бошидаёқ Чимён ёнбағридаги меҳмонхона биноларини қайта таъмирлаш ишлари ҳам бошланади. Бу тоғнинг қулай ва хавфсиз арқон йўллари, тик қоялар спортнинг кўпгина қишки турлари бўйича халқаро мусобақалар ўтказилиши учун барча талабларга жавоб беради.

Яқин орада мамлакатимиз сайёҳлик харитасида яна иккита хазина пайдо бўлади. Тошкент остонасидаги бу дам олиш зонаси жаҳондаги энг яхши курортлар сафига киради.

Жаҳон цивилизациясининг қадимий бешиги бўлмиш ўзбек заминининг ҳар бир қаричи ноёбдир. Шунинг учун ҳам яқинда Чорвоқ билан Чимёнга сайёҳлар оқими оқиб кела бошлайди. Бу — хазинамизга валюта қўйилади, деган гап!

■ **Рустам ШАГАЕВ, ЎзА мухбири**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

ХДП Фориш туман кенгашининг ташкилий пленумида И.Юлимов мазкур кенгаш биринчи котиби этиб сайланди. Пленумда Фориш тумани ҳокими Б.Узоқов, ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби М.Иномов қатнашдилар.

ХДП Фориш ва Ғаллаорол туман кенгашларида партиянинг ривожланиши масалаларига доир семинар-кенгашлар бўлиб ўтди. Унда ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби М.Иномов «Парламент ислоҳоти ва вилоят партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди. Семинарларда бошланғич партия ташкилотларининг котиблари ХДП МК IV пленуми қарорларини амалга ошириш, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, ХДП депутатлик гуруҳлари, ҳудудий партия тузилмалари фаолиятини яхшилаш бўйича фикр алмашдилар.

Шундай семинар-кенгашлар **ХДП Жиззах шаҳар ва Жиззах, Тошлоқ туман кенгашларида** ҳам бўлиб ўтди. Семинарлардаги мазкур кенгашларнинг биринчи котиблари Т. Аҳмедов, О.Эгамқулов ва У. Маҳмудовларнинг маърузалари, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари — Э. Имомназаров ва И.Бердиев ҳамда бошланғич партия ташкилотлари котиблари — П. Исматов, А.Темиров, Ф.Холмирзаева, Ў. Юсуповаларнинг чиқишларида партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш бўйича фикр ва мулоҳозалар билдирилди, уларнинг ишидаги мавжуд муаммо ва нуқсонларнинг сабаблари очиб ташланди, уларни бартараф этиш йўли ҳамда воситалари кўрсатилди. Шунингдек, йиғилишларда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигини нишонлашда партия аъзолари иштирокини таъминлаш, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда «Истиқлол шарофати» мавзуидаги тадбирларни ўтказиш тўғрисида тавсиялар берилди. **Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши** ижроия бюросининг навбатдаги мажлисида, «ХДП Гулистон шаҳар кенгашининг партия парламентчилик фаолиятини такомиллаштиришда партиядан сайланган депутатларининг иштироки тўғрисида»ги ҳамда «Меҳнат-обод туман кенгашининг ЎзХДП Низоми ва Дастури талабларини бажариш амалиёти ҳақида»ги масалалар муҳокама этилди. ХДП дастурий ғояларига мос амалий ишлар қўллаб-қувватланиб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришда партия аъзолари фаоллигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди, жойлардаги партиявий-ташкилий ва мафкуравий ишларни аниқ йўналишда ташкил этиш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

ХДП Жиззах вилоят кенгашининг кенгайтирилган ижроия бюроси йиғилишида шаҳар, туман кенгашлари биринчи котиблари, депутатлар ва партия фаоллари иштирок этдилар. Кун тартибидаги масалалар бўйича муҳокамада ташкилий, тарғибий-ташвиқий, маданий-маърифий ишларни такомиллаштириш масалалари муҳим ўрин эгаллади. Шунингдек, йиғилишда ХДП Зафаробод туман кенгашининг тумандаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида ёшлар ўртасида олиб бораётган фаолияти таҳлил қилинди, бу соҳадаги ижобий ишлар маъқулланди, камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Андижон шаҳридаги 3-сон туғуруқхона қошидаги бошланғич партия ташкилоти очиқ йиғилишида мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти муносабати билан партия ташкилоти олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Гулистон шаҳридаги «Ёғ-экстрат» акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида партия аъзолари фаоллигини ошириш, сиёсий тарғибот ишларини кучайтириш тўғрисида сўз юритилди. Йиғилишда Ўзбекистон ХДП сафига кирганларга партия аъзолиги билетлари топширилди.

Сирдарё туман солиқ инспекцияси бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган «давра суҳбати» мамлакатимизда икки палатали парламент тизимини шакллантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши муаммоларига бағишланди.

АФҒОНИСТОНДА БОБУР БОҒИ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Бугунги кунда Афғонистонда фаолият кўрсатаётган ЮНЕСКО ва бир қанча халқаро хайрия ташкилот ва жамғармалари афғон халқини боқий қадриятлар атрофига бирлаштиришга, мамлакатда эзгулик уруғини сочишга бел боғлади.

Шу мақсадда чорак асрлик уруш давомида вайрон бўлган тарихий обидалар, ёдгорликлар ҳамда миллий маданият ва маърифат ўчоқларини қайта тиклаш ишлари бошлаб юборилди.

Кобул шаҳрининг жанубида жойлашган Бобур боғи мажмуасини қайта тиклаш мана шу йўналишда амалга оширилаётган хайрли тадбирлардандир. ЮНЕСКО шафеълигидаги таъмирлаш ишларида қатор халқаро ташкилотлар фаол иштирок этмоқда.

Буюк бобокалонимиз томонидан барпо этилган мазкур мажмуа боғ, масжиду саройлардан иборат бўлиб, ўз вақтида Бобурийлар сулоласи меъморчилик санъатининг мўъжизаси ҳисобланган. Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида вафот этган Бобуршоҳ айнан шу ерда дафн этилган.

Минг афсуски, йиллар силсиласи Бобур боғи мажмуасида ўзининг аянчли изини қолдирди. XX аср бошларида мажмуа меҳмонхона сифатида фойдаланилди. Маълум муддат давомида чет эл элчихоналари бу ерда фаолият юритди. Чорак асрлик фуқаролар урушидан сўнг эса бутунлай вайронага айланди.

Ҳозирда боғ мажмуасини асл ҳолига келтиришнинг имкони бўлмаса-да, сарою-мадрасаларни таъмирлаш, мазкур жойни жамоат истироҳат боғига, турли хил тантаналар ўтказиладиган маконга айлантириш кўзда тутилган.

■ **Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ,**
«Жаҳон» АА.

1920-йилларнинг бошларида Бухоро Халқ Республикаси ва Туркистон Автоном Совет Республикаси раҳбарлари томонидан Германияга ўқишга юборилган тошкентлик Саттор Жаббор, Саидалихўжа, Аҳмаджон Иброҳимов, Хайринисо Мажидхонова, Саида Шераҳмедова каби ёшлар сафида Тўлаган Мўмин ҳам бор эди. У 1922-31 йилларда Берлиндаги Олий техника мактабини битириб, Ўзбекистонга юқори малакали электр муҳандис бўлиб қайтган эди. Афсуски, 30-йилларнинг охирларида бошланган қатағон уни ҳам ўз домига тортмай қолмади.

Германияга ўқишга кетишидан олдин у Тошкентдаги рус-тузем мактабида, 1918 йилдан сўнг Навоий номидаги ўзбек билим юртида таҳсил олган эди. Германияда у ўқиш даврида Берлинда тузилган «Германиядаги туркистонлик талабалар уюшмаси»га раислик қилди. Хориждаги машҳур муҳожирлар Аҳмад Заки Валидий ва Мустафо Чўқаевларнинг Берлинда Туркистондаги совет истибдодига қарши озодлик учун кураш ҳақидаги суҳбат ва маърузаларига ҳам қатнашади. Германиядаги талабаларнинг ўзбекча журнали «Кўмак»нинг Ўзбекистонга тарқалишида ёрдам беради. 1927 йил Ўзбекистонга ёзги таътилга келганда Самарқандда Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи съездида қатнашади, Ботунинг уйида меҳмон бўлади.

У 1931 йил ўқишни битириб, Германиядан Тошкентга қайтгач, Ўзбекистон электроэнергияси соҳаси бўйича аввал муҳандис, сўнг бош муҳандис бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи Муяссар Эшонхўжаева Тошкент медицина институти талабаси эди.

1937 йил 2 сентябрда НКВД ходимлари томонидан қамоққа олинади. Унга 1922-31 йилларда Германияда ўқиган вақтларида советларга қарши бўлган «Озод Туркистон» номли айғоқчилик ташкилотининг аъзоси сифатида СССРга нисбатан душманлик кайфиятида тарғибот олиб борган, деган айблар қўйилади ва бу айбларни бўйнига қўйишга уринилади.

1937 йил 2 декабрда терговчи ўтказган сўроқ баённомасидан:

«Савол: — **СССРга қайтганингиздан сўнг Берлиндаги «Озод Туркистон» ташкилотидан Ўзбекистондаги миллатчилар билан алоқа боғлаш борасида қандай топшириқлар олгансиз?**

Жавоб: — **Ҳеч қандай топшириқ олганим йўқ?**

Савол: — **Терговга шу нарса маълумки, сиз Германиядан СССРга қайтаётганда «Озод Туркистон» номли ташкилотдан Ўзбекистондаги миллатчилардан Султонбек Хўжанов, Турор Рискулов, Муҳиддин Турсунхўжаев, Акбар Исломов, Файзулла Хўжаевлар билан алоқа ўрнатиб, ўзингизнинг революцияга қарши бўлган ишингизда уларга таяниб иш олиб боришингиз борасида хат олиб келгансиз.**

Жавоб: — **Мен буни тан олмайман. Мен ҳеч кимдан, ҳеч қандай топшириқ олган эмасман.**

Савол: — **Сиз Муҳиддин Турсунхўжаев хати бўйича Тошкентдаги Гулом Ёқубов олдига боргансиз.**

Жавоб: — **Мен Турсунхўжаевдан ҳеч қандай хат олганим йўқ. Москвадан Тошкентга ВСНХЯ ихтиёрига мен билан бирга Султон Матқул иккимиз Москвадаги Ўзбекистон ваколатхонаси йўлланмаси билан келган эдик, холос».**

Салкам бир ярим йилча қамоқ ва тергов азоблари, қийноқларидан сўнг унга айб қўйилади. Саттор Жаббор, Ғулом Ёқубовларни ҳам қийноқ остида унга қарши гапиришга мажбур қилишади. Ва охир-оқибатда 1938 йил 9 октябрда Саттор Жаббор, Хайринисо Мажидхонова, Солиҳ Муҳамедов ва Германияда ўқиб қайтган бошқа ватандошларимиз қатори у ҳам Германиядаги «Озод Туркистон» ташкилотининг аъзоси сифатида олий жазо — отувга ҳукм этилади. Ҳукм ўша куни ижро этилади.

Хўш, Тўлаган Мўмин қандай ҳолатда ҳибсга олинган, унинг қамоқ ва терговдаги аҳволи қандай кечган, оиласи, болачақасининг тақдири нима бўлган? Бу ҳақда унинг рафиқаси, марҳум Муяссар опа Эшонхўжаева 90-йилларнинг ўрталарида биз билан бўлган суҳбатда шундай ҳикоя қилган эди: **«Тўлаган Мўмин 30-йилларда Ўзбекистонда электр-энергия соҳаси бўйича муҳим илмий тадқиқот иши олиб бораётган эди. 1937 йил 21 август эди. Ўша куни Тўлаган ака Ленинградда илмий ишлари бўйича командировкадан қайтганди. Кеч соат 11ларда бехосдан эшик тақиллади. Ким у, деб сўрасам, домком, деди. Эшикни очсам домком билан НКВД терговчиларидан Михайлянц, В.Берзниковлар туришибди. Уйга киришиб, тинтув қила бошладилар. Улар Германияда ўқиган талабалар рўйхати ва суратларини, патефонимизни олишди. Кийим-кечак ва гиламларни титиб ташлашди, 3 дона эркакларнинг янги костюми ва бир дона янги пальтони олишди. Қайнонам ўлимимга, деб кийимларига тикиб қўйган 2 та 10 сўмлигини ҳам топиб олишди. Тинтув эрталаб соат 8 гача давом этди. Тўлаган акам кетаётиб менга: — Виждоним тоза, сен ўқишингни ташлама, болаларни ва онамни яхши парвариш қил, деб чиқиб кетдилар. Шундан сўнг бир йил ўтгач, Тезоковкада яшайдиган узун бўйли бир рус кишиси уйимизга келиб, юпқа папирос қоғозидай трубкага арабча ёзилган бир хат келтирди. Хатда: «Мен ҳеч қачон ... душман бўлмаганман, ҳақиқат охири ғалаба қилади, болалар ва онамни хафа қилма, ўзингга эҳтиёт бўл!»** дейилганди. Иккинчи хат Сталинга ёзилган эди. Хатда: **«Мени терговчилар ҳибсхонада бўйнимга қадар сувда сақлаб, азоб бердилар, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевларга ёлланган жосус бўлганман, деб қўл қўясан, деб қийнадилар. Лекин, қўл қўймадим, улар қўлимни сохталаштириб расмийлаштирган бўлишлари ҳам мумкин. Сиз шу имзоларни текшириб, сохталигини аниқлашга ёрдам беришингизни сўрайман», — деб ёзилган экан. Мен, афсуски, Сталинга ёзилган ўша хатни кўрқиб, ўша вақтларда ёқиб юбордим. Овқат беришим ҳам қийин эди. Кунлаб сарсон бўлардим. Охири НКВД ходимлари менга «эрингиз хат ёзишмаслик шарти билан 10 йилга ҳукм қилинган», — дейишди. Кейинчалик билсам буларнинг ҳаммаси ёлғон бўлиб, НКВД раҳбарлари ҳақиқатни бизлардан яширишган экан. У киши қамалганидан сўнг 10 йил эмас, 15 йил ўтгач, оқланди, деган бир парча совуққина қоғоз олдик, холос. Лекин у кишининг қаерда, қачон, қандай вафот этганлигини биз ҳамон билмаймиз. Ўзим икки ёш гўдагим бўлишига қарамай, Тошкент Давлат медицина институтини битириб, 1952 йилдан то нафақага чиққунимга қадар Бешёғочдаги 6-шаҳар касалхонасида бош врач бўлиб ишладим, қайнонамга қарадим, Тўлаган аканинг қавму қариндошлари билан борди-келдини узмадим, қизалоқларимни ўқитиб, олий маълумотли қилдим. Катта қизим Гулчеҳра Ризаева кўп йиллар Ўрта Осиё Педиатрия институтида ассистент, Лола Эшонхўжаева Ўрта Осиё халқ хўжалиги институти чет тиллари кафедрасида немис тили бўйича катта ўқитувчи бўлиб ишлаб келди. Кичик қизим Лола 1965 йили Германияда бўлиб, отаси ўқиган, юрган ерларни кўриб қайтди».**

Бугун Тўлаган ака ҳам, унинг рафиқаси Муяссар опа Эшонхўжаева ҳам орамизда йўқ. Бирлари сталинча тоталитар тузум қурбони бўлди, иккинчиси — Муяссар опа қатағон йиллари азобларини ўз елкасида кўтариб, етим қолган икки қизалоқни сабр-бардош билан вояга етказди.

Бугун Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 11 йиллигини нишонлаш арафасида. Қатағон йиллари туғилиб, вояга етган Гулчеҳра Ризаева ва Лола Эшонхўжаевананинг ўғил-қизлари бугун мустақил юртда яшамоқдалар. Гулчеҳранинг ўғли Рауф Ризаев — бугун Ички ишлар вазирлиги бош мутахассиси, жарроҳ, докторлик диссертациясини ёқлаш арафасида. Низом олий маълумотли, милий банк ходими. Лоланинг ўғли Рустам ҳам олий маълумотли, малакали мутахассис. Улар ўз аждодлари бошига тушган кулфатларни яхши билишади. Шўро замонида боболари, момолари не азобларни кўрганини ҳам, кеча ким бўлганимизу бугун кимлигимизни ҳам.

■ **Шерали ТУРДИЕВ**

УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИЛАР

ТЎЛАГАН МЎМИН

1938 ЙИЛ 9 ОКТЯБРДА УНИ ОТУВГА ҲУКМ ҚИЛИШАДИ. ҲУКМ ЎША КУНИЁҚ ИЖРО ЭТИЛАДИ


ПРИГОВОР
...енем Союза Советских Социалистических Республик
выездная сессия
...енной Коллегии Верховного Суда Союза ССР
в составе:
Председательствующего
Членов:
При секретаре военном юристе ранга
...судебном заседании, в гор.
193 года, рассмотрела дело по обвинению


Юридическая
Мумина Тулаевича, в связи с ...
...ного наказания, рассмотрев ...
...Президиум Военной Коллегии
...
Председательствующий
Члены


УТВЕРЖДАЮ
НАРКОМВНУДЕЛ УЗБЕКСКОЙ ССР
(Ежов)
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
1937 г. августа "7" дня, в г.Ташкенте, я: Нач.3 отд.4 отд.ГУГБ НКВД Уз.ССР, Сержант Гос.Безопасности ДЖАНИТОВ, рассмотрев имеющиеся материалы в отношении МУМИНОВА Тулагана -1906г.р. рождения, уроженца гор.Ташкента, узбека, ...ционера, беспартийного, ...ного на службе в ...ственного. в должности инженера по сетям, с 1922 по 1931 г.г. учившегося в Германии, ...ренного, проживавшего в СССР, в прошлом по линии чего КУЛЬТОР являющегося ... принадлежности к нац. к-р организации "туркестан" в Берлине, и указанной организацией в 1931 г. ...ольно переброшен на территорию СССР для ведения к-р работы, а потому
ПОСТАНОВИЛ:
МУМИНОВА Тулагана арестовать и привлечь к ответственности по ст.ст. 69 и 67 УК УзССР.Мерой пресечения способов исполнения от суда и следствия избрать содержание под стражей во внутренней тюрьме НКВД УзССР.
Нач. отделения 3/отдела
Сержант Гос.Безопасности
(ДЖАНИТОВ)
СОГЛАСОВАНО: Нач.4-го отдела УГБ
Ст. Лейтенант Гос.Безопасности
(ЖИЛИНСКИЙ)

Ўтган асрнинг 30-йилларида Германияда ўқиган ёшларимиз ҳақида ҳозирга қадар кўплаб мақолалар ёзилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам ўз нутқларида бу ҳақда тез-тез тўхталиб ўтади. Ҳозирда Германияда ўқиган ёшларимиз ҳақида ёзилган мақолаларнинг ҳаммасини ҳам ўқиб чиқиш, ҳаммасини ҳам кўриш имконим йўқ. Лекин ўқиганларимдан, кўрганларимдан шундай хулосага келдимки, ёзилган мақолаларнинг ҳаммасида ҳам ўша ёшларимиз ҳақида ҳақиқат ёзилмаган. Ёзилган мақолаларнинг кўпчилигида ўша ёшларимиз ҳақида ҳаддан ташқари кўп мақтов сўзлар ёзилган. Ҳаддан ташқари кўп мақтов сўзлар ёзилган мақолаларнинг кўпчилигида ўша ёшларимиз ҳақида ҳаддан ташқари кўп ёлғонлар ёзилган. Ёзилган ёлғонларнинг кўпчилигида ўша ёшларимиз ҳақида ҳаддан ташқари кўп ғайриинсоний, ғайриодамий, ғайриахлоқий ишлар ёзилган. Ёзилган ғайриинсоний, ғайриодамий, ғайриахлоқий ишларнинг кўпчилигида ўша ёшларимиз ҳақида ҳаддан ташқари кўп ёлғон ва туҳмат ёзилган.

Ўша ёшларимиз ҳақида ёзилган ёлғон ва туҳматларнинг ҳаммасини ҳам ўқиб чиқиш, ҳаммасини ҳам кўриш имконим йўқ. Лекин ўқиганларимдан, кўрганларимдан шундай хулосага келдимки, ёзилган ёлғон ва туҳматларнинг ҳаммасида ҳам ўша ёшларимиз ҳақида ҳақиқат ёзилмаган. Ёзилган ёлғон ва туҳматларнинг кўпчилигида ўша ёшларимиз ҳақида ҳаддан ташқари кўп ёлғонлар ёзилган. Ёзилган ёлғонларнинг кўпчилигида ўша ёшларимиз ҳақида ҳаддан ташқари кўп ғайриинсоний, ғайриодамий, ғайриахлоқий ишлар ёзилган. Ёзилган ғайриинсоний, ғайриодамий, ғайриахлоқий ишларнинг кўпчилигида ўша ёшларимиз ҳақида ҳаддан ташқари кўп ёлғон ва туҳмат ёзилган.

«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ»
холдинг компанияси таклиф этади



Сахий қуёшимиздан нур эмиб, бол йиққан сархил меваларимиз кимларни лол қолдирмаган дейсиз?!

Рангин сабзавотлару полиз неъматлари ҳам бободеҳқон саховатининг маҳсули.

Агросаноат мажмуасида етиштирилаётган бундай ноз-неъматларни қайта ишлаб, тарқатиш юмушлари эса компания зиммасида.

Жаҳон бозорига сифатли маҳсулот чиқариш, хориж сармоядорларини жалб этишда ихтисослаштирилган махсус тайёрлаш, сарфлаш, қайта ишлаш ва тарқатиш бўйича 27 та фирма, 40 та қайта ишлов берадиган, 89 та қишлоқ хўжалик, 15 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Компаниянинг Германия, Франция, Швейцария, АҚШ, Япония, Исроил, Италия, Ҳиндистон, Польша каби мамлакатларда ҳамкорлари бор.

Ҳозир 140 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.
Улар орасида:
- Жаҳон андозаларига мос КОНСЕРВАЛАР, ШАРБАТЛАР
- Халқаро танловларда юқори баҳоланган ВИНО ВА ИЧИМЛИКЛАР
- БОЛАЛАРГА АТАЛГАН МАХСУС МАҲСУЛОТЛАР

Экологик тоза маҳсулотларнинг бари сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳар, Абай кўча, 6-уй. Тел: 144-18-15, 144-18-16, 144-06-37. Факс: 144-17-11

СИФАТ ВА КАФОЛАТ — ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ УЧУН МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

БОЗОР ВА ИСТЕЪМОЛЧИ



«ЮЛДУЗ»

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтдаги «Юлдуз» очиқ акциядорлик жамиятида ҳам айёмона кайфият. 1100 хотин-қиз меҳнат қилади. Корхона асосан эркаклар ва аёллар учун жун ва ипак матодан костюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, бу ерда болалар куртканси ва шимлари ҳам тикилади.

— «Юлдуз»да давлат буюртмаси бўйича кўп ишлар олиб борилаяпти, — дейди корхона режалаштириш ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Фотима Маҳмудова. — Қатор вазирлик, коллеж ва лицей ўқувчиларига маҳсулотлар етказиб бераяпмиз.

Корхонамизда янги моделлар устида фаол иш олиб борилаяпти. Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 60 та янги модел яратилди, шундан 34 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу моделлар эркаклар учун костюмларда, аёллар учун плашлар ҳамда болалар ва ўсмирлар учун турли хилдаги куртканларда ўз аксини топди.

Хомашё ва техник таъминотдаги мураккабликларга қарамай, ярим йилда эришган натижалари ҳам чакки эмас. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи 588 миллион 200 минг сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,1 фоиз демакдир.

«Юлдуз»да ижтимоий муҳофазага ҳам катта эътибор берилмоқда. Чунончи, Қарияларни қадрлаш йилида фахрийлар соғлиғини мустаҳкамлаш учун 8 та йўлланма ажратилди. Кам таъминланган оилалар ҳам назардан четда қолмаган. Шундайлар сирасига кирувчилардан 30 киши ҳар ойда бепул овқат билан таъминланмоқда.

Айни кезда, режалаштириш ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Фотима Маҳмудова куюниб таъкидлаганидек, ютуқлар билан бир қаторда маълум муаммолар ҳам бор. Шулардан энг асосийси — «Юлдуз» маҳсулотларининг экспортга ишлаб чиқарилмаётганидир. Боиси олинаётган хомашё — костюмбол жун матосининг ҳамон сифатсизлигидир. Тўғри, масалани ҳал этиш мақсадида корхона раҳбарияти 50 кишига мўлжалланган кичик цехни ташкил этиб, уни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни кўзламоқда. Бу цехда фақат юқори малакали кадрлар янги технологиялар асосида ишлайди. Яна бир муаммо, ҳозиргача бозорни ўрганиш йўлга қўйилмаганлиги ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаётганлигидир. Буни ечиш учун пойтахтнинг қатор бозорларида энди-энди фирма дўконлари очилмоқда. Бу «Юлдуз» маҳсулотларини сотиш билан бир қаторда харидорларнинг талаб- эҳтиёжларини ўрганишга хизмат қилади.

■ Шаҳноза РЎЗИЕВА

✧ ✧ ✧

Суратларда: «Юлдуз» чеварлари ва маҳсулотлари.



■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

«НЕМА»

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Ўзбекистон халқини, юртимизда яшаётган барча фуқароларни энг азиз ва муборак байрам — Ватанимиз Истиқлолининг ўн бир йиллиги муносабати билан самимий табриклайди!

Қисқа вақт мобайнида мамлакатда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Бу – узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир. Бизнинг қўшма корхонамиз ҳам Истиқлол боис юзага келган.

Айни пайтда халқимизга сифатли, экологик жиҳатдан тоза қандолат маҳсулотлари етказиб бериш борасида бой тажриба тўпланди. Маҳсулотларимиз эса рақобатбардош.

Халқимизни улуғ байрам билан қутлар эканмиз, барча оилаларга тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тилаймиз!

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПИАЛ БИРЖА МАРКАЗИ

Ўзбекистон халқини, Тошкент шаҳрининг тадбиркорларини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг

11 ЙИЛЛИГИ

муносабати билан чин қалбдан табриклайди!

Мустақил республикамиз гуллаб-яшнайверсин, халқимизга эса тинчлик, осойишталик ва тўкин-сочинлик тилаймиз.

Тошкент шаҳар муниципиал биржа маркази доимо кўчмас мулк автотранспорт, уй-жой ва турли бинолар қуришга мўлжалланган ер участкаларининг ижара ҳуқуқи бўйича

- *кимошди савдолари*
- *танловлар*
- *биржа савдолари ўтказиб туради.*

Ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархларига ер участкасини лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўпламини тайёрлаш харажатлари қўшилган. Ҳужжатлар тўпламига қуйидагилар киради:

- *ер участкасининг чегараси;*
- *меъморий-лойиҳа вазифалари АПЗ-I, АПЗ-II;*
- *топографик съёмка, масштаб 1:500;*
- *муҳандислик-геологик хулоса;*
- *шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.*

Тезкорлиги, ишончлилиги, конфеденциаллиги кафолатланади.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй.

Телефонлар: *133-20-74, 133-46-13.*

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2002 йил 24 сентябрь ва 2 октябрь кунлари Навбаҳор тумани ҳокимлиги мажлислар залида соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Навбаҳор тумани «Гигант» ширкат хўжалиги ҳудудида ёрдамчи хўжалик юритиш учун 20 дона, ҳар бирининг майдони 600 кв.м. дан ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 16 500 сўмдан.

2. Навбаҳор тумани «Истиқлол» ширкат хўжалиги ҳудудида ёрдамчи хўжалик юритиш учун 20 дона, ҳар бирининг майдони 600 кв.м. дан ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 16 500 сўмдан.

2002 йил 26, 30 сентябрь кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Конимех тумани, Ажиниёз кўчасида уй-жой қуриш учун 20 дона, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. дан ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 12 000 сўмдан.

2. Хатирчи тумани, Янгиработ шаҳри, Каримов номидаги кўчада, новвойхона қуриш учун 50 кв.м. ер майдони.

Бошланғич баҳоси — 1800 сўм.

3. Кокпатас ДГКЭга қарашли «КамАЗ-4310» русумли, давлат рақами 81 60 НВЛ автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 817 580 сўм.

4. Кокпатас ДГКЭга қарашли «МАЗ-5334» русумли, давлат рақами 35-44 НВМ автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 1 403 300 сўм.

5. НКМК МКБга қарашли «Тойота-Карина» русумли, давлат рақами 60-71 НВМ автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 586 300 сўм.

6. Нурота тумани ДСИ томонидан хатланган «Қизилча» ш/хга қарашли мулклар:

— Клуб биноси.

Бошланғич баҳоси — 10 689 000 сўм.

— Меҳмонхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 3 506 000 сўм.

— Ҳаммом биноси.

Бошланғич баҳоси — 812 720 сўм.

— Болалар боғчаси биноси.

Бошланғич баҳоси — 4 514 000 сўм.

2002 йил 27 сентябрь куни Учқудуқ тумани ҳокимлиги мажлислар залида соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Учқудуқ тумани ДЭУ участкасида уй-жой қуриш учун 30 дона, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. дан ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 16 500 сўмдан.

2002 йил 26, 30 сентябрь кунлари Навоий шаҳрида соат 16.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган танлов савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади.

1. Қизилтепа тумани ХТБга қарашли «Бойчечак» болалар боғчаси.

Бошланғич баҳоси — 2 030 000 сўм.

2. «Қизилтепапахтатозалаш» АЖга қарашли «Олтин балиқча» болалар боғчаси.

Бошланғич баҳоси — 23 173 700 сўм.

3. «Хатирчипахтатозалаш» АЖга қарашли «Пахтаой» болалар боғчаси.

Бошланғич баҳоси — 11 806 000 сўм.

Танлов савдоларидан объектларни сотиб олишнинг шартлари:

1. Сотиб олинган объектларнинг олдинги фаолият турини сақлаб қолган ҳолда ишни ташкил қилиш.

2. Санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда ишни ташкил қилиш.

3. «Ўзбекистон Республикасида давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаси тўғрисида»ги Низом талабларига асосан иш фаолиятини ташкил қилиш.

4. Сотиб олинган объектни қайта таъмирлаш ва унинг хизмат кўрсатишини жаҳон талабларига мос равишда ташкиллаштириш.

5. Сотиб олинган объектга мақсадли сармоя киритиш.

Аризалар билан бирга қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим.

Бизнес-режа, Низом (юридик шахслар учун), корхонанинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат (юридик шахслар учун), аризалар Давлат мулки қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармасига топширилади.

Аукцион ва танлов савдоларида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулклар ва автомототранспорт воситалари бўйича савдодан 1 соат олдин ер майдонлари ва танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиалига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Тел.: 8(436) 224-15-61, 224-64-31.

«ҚУВАСОЙЦЕМЕНТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ватанимиз Мустақиллигининг ўн бир йиллик тўйи муносабати билан Ўзбекистон халқини, барча ҳамкасбларни чин юракдан муборакбод этади.

Маълумки, бунёдкорлик — энг тинчликпарвар касблардан биридир. Юртимизда Истиқлол йилларида бунёд этилган ажойиб иншоотларни, маъмурий ва маданий бинолarни, замонавий уй-жойларни кўриб, кўзимиз қувнайди. Ахир буларнинг барчаси Истиқлолнинг буюк неъматлари.

Ана шундай улкан ишларда бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз борлигидан беҳад шодмиз. Зеро, корхонамизда ишлаб чиқарилаётган «М-400», «М-500» сульфатга чидамли портландцемент, тампонаж портландцементи, минерал қўшимчали «М-400», «Д-20» портландцементи, 7 ва 8 тўлқинли шифер, сопол черепица, турли оҳаклар ва бошқа маҳсулотлар ҳақиқий маънода қурилиш «нон»идир. Йилдан-йилга иқтисодий ислоҳотларни кенгроқ амалга ошириб, ютуқларимизни кўпайтириб бориш эзгу ниятимиздир.

Юртдошларимизни миллий ғуруримиз тантанаси бўлмиш
Мустақиллик куни билан қутлар эканмиз, барчанинг хонадонида
ҳар доим озодлик, эркинлик қуёши порлаб турсин!

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ЖАН-БАТИСТ ПОКЛЕН (МОЛЬЕР)–ФРАНЦУЗ ДРАМАТУРГИ, ТЕАТР АРБОБИ ВА АКТЁРИ. 1622–1673 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

♦ Ҳақгўйлик айб эмас.

♦ Эзгулик бўҳтонлар билан курашда заифдир.

♦ Китобий доноликдан тентак икки карра тўмтоқроқ.

♦ Грамматика, ҳатто, шоҳларга ҳам амр қилади.

♦ Аёллар уларга сарф-харажат қилинишини ҳаммасидан кўпроқ севадилар.

♦ Гўзал аёл ўзига ҳамма нарсани эп кўрмоғи мумкин, гўзал аёлга ҳамма нарсани кечириш мумкин.

♦ Нимаики демасинлар, одамда, ҳеч қанақа олимлар тушунтириб бера олмайдиган қандайдир бир ғайриоддий нарса мавжуд.

♦ Тентакдаги олимлик — ҳаммасидан чидаб бўлмайдигани.

♦ Ким севгини билмабди, демак, у дунёга келмабди.

♦ Модомики, бошқа чора қолмаган экан, энди, хушомад қилаётган эмас, балки, унга хушомад қилишларини истаётган айбдор.

♦ Ким барчага дўст бўлса, уни дўстим ҳисобламайман.

♦ Ҳасадгўйлар ўладилар, аммо, ҳасад — ҳеч қачон.

♦ Мақтов билан яшай олмайсан. Мақтовнинг ўзи одамга кам, унга арзийдиганроқ нарсани бер; тақдирлашнинг энг яхши усули – қўлингизга ниманидир қистиришлари.

♦ Тиббиёт – инсониятнинг улкан хатоларидан бири.

♦ Тана қартайганида, ахлоқ мустаҳкамланади.

♦ Ярамас ҳаёт ярамас ўлимга олиб келади.

♦ Севги – барча мангу нарсалардан энг қисқа давом этадигани.

БЛЕЗ ПАСКАЛЬ – ФРАНЦУЗ РИЁЗИЁТЧИСИ, ФИЗИГИ, ФАЙЛАСУФИ ВА ЁЗУВЧИСИ. 1623–1662 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

♦ Инсоннинг табиати ҳамиша олға қараб боришдадир...

♦ ...Дунёнинг ҳамма қисмлари ўзаро шундай боғланиш муносабатидаки, бирини бошқасисиз ва бутунсиз билиш мумкин эмас, деб ўйлайман.

♦ ...Агар кимнидир гўзаллиги учун севсалар, айни унинг ўзини севадилар, деб айтиш мумкинми? Йўқ, негаки, агар чечак кишини омон қолдириб, ундаги гўзалликни ўлдирса, у, унинг билан бирга, ушбу одамга бўлган севгини ҳам ўлдиради... Шундай қилиб, биз одамни эмас, балки, унинг хусусиятларини яхши кўрамиз. Мартаба ва лавозимлари учун ҳурмат қилинишни талаб этувчиларни масхараламайлик, негаки, биз инсонни, ҳамиша, унинг, қисқа муддат давомида эгалик қилишга олган, хусусиятлари боис, ёқтирамиз.

♦ Шунчаки ва хотиржам яшаш энг фалсафий иш бўлган бўларди.

♦ Фалсафанинг устидан кулиш, бу — дарҳақиқат, фалсафа билан шуғулланиш.

♦ Худони ақл эмас, балки, қалб ҳис этади. Имон дегани мана шу.

♦ Беқарорлик, зерикиш, безовталик — мана инсоний турмушнинг шарт-шароитлари.

♦ Кимки дунёнинг беҳудалигини кўрмас экан, унинг ўзи беҳудадир.

♦ Чинакам ва танҳо эзгулик ўзини ўзи ёмон кўришликда.

♦ ...Биз Худонигина севмоғимиз ва ўзимизнигина ёмон кўрмоғимиз лозим.

♦ Одамларнинг сизнинг фазилатларингизга ишонишларини хоҳлайсизми? Улар билан мақтанманг.

♦ Нега одамлар кўпчиликка эргашадилар? Унинг ҳақлиги учунми? Йўқ, зўрлиги учун.

♦ Кўнгилдаги асарни якунлаётибгина, уни нимадан бошлашимиз лозим бўлганлигини тушунамиз.

♦ Ўзининг аянчли аҳволини англар экан, одам улкандир. Дарахт ўзининг ночорлигини англамайди. Шундай қилиб, мусибат чекмоқ — ўзининг мушкул аҳволини англамоқ, бироқ, бу англаш — улуғворлик белгиси...

♦ Кимки, фиғон чекиб, ҳақиқатни излаётган бўлса, мен шулар билангина биргаман.

♦ Ўз ҳаётининг маъносини билмаганларнинг ҳолига вой.

♦ Бутун инсоний ахлоқнинг жон абадийми ёки йўқ, деган масаласининг ечимига боғлиқ эканлиги шакшубҳасиз. Ҳолбуки, файласуфлар, ахлоқ тўғрисида фикр юритар эканлар, ушбу масалани улоқтириб ташлайдилар. Улар унга ажратилган умрни қандай яхши ўтказиш тўғрисида баҳс юритадилар.

♦ Бизнинг ақлимизга ишониш хос, иродамизга эса — хоҳиш-истак; уларда, мабодо, эътиқод ва ихтиёр этиш учун муносиб буюмлар бўлмаса, улар номуносиб нарсаларга ташланадилар.

♦ Ҳақиқат нимада эканлигини биладиган, аммо, уларга фойдаси теккунча унинг тарафдори бўлиб, кейин эса ундан четлашувчи одамлар разилдирлар.

♦ Кучга таянмаган адолат — заифликнинг нақ ўзгинаси, адолатга таянмаган куч эса — золимлик. Демак, адолатни куч билан мувофиқлаштирмоқ ва бунинг учун адолатнинг кучли, кучнинг эса адолатли бўлишига эришмоқ лозим.

♦ Иккита зид ҳол: ақлни йўққа чиқариш, ақлнигина эътироф этиш.

♦ Тасодифий кашфиётларни етук ақл-заковат эгаларигина қиладилар.

♦ Ҳеч нима ақлга, уни ўзининг ўзига ишончсизлигидай, мувофиқ эмас.

♦ Бизнинг бутун фазилатимиз – фикрлаш қобилиятида. Биз уларда ҳеч нима бўлмаган макон ва замон эмас, балки, фикргина бизни юксалтириши мумкин. Муносиб фикрлашга уринайлик: ахлоқийлик негизи — мана шунда.

♦ Ақл амри, ҳар қандай ҳукмдорнинг буйруғига қараганда, анча кўпроқ қатъийдир: ҳукмдорнинг амрига итоат этмаслик кишини бебахт, ақл амрига итоат этмаслик эса — аҳмоқ қилиб қўяди.

♦ Киши қанчалик ақлли бўлса, шунча кўп ўзига хос одамларни кўради. Ўрта-миёна шахс кишилар ўртасидаги фарқни кўрмайди.

♦ Ҳамма каби сўзланг, бироқ, ўзингизча ўйланг.

♦ Энг ёрқин нутқ ҳам, агар уни чўзиб юборилса, жонга тегади.

♦ Бу нимадан — оқсоқ киши бизнинг ғазабимизни қўзғатмайди, ақлий оқсоқланувчи эса — ғазабимизни қўзғатади? Шунданки, оқсоқ киши бизнинг тўғри юраётганимизни тушунади, ақлий оқсоқланувчи эса — ўзини эмас, балки, бизни оқсоқланадилар, деб ҳисоблайди.

♦ Одамлар беақллар, ва бу шундайин умумий қоидаки, унга мувофиқ, беақл бўлмасликнинг ўзи ўзига хос беақллик бўлган бўлар эди.

♦ Сўзамоллик, бу – фикрнинг сурати.

♦ Сукут – инсоний азоб-уқубатларнинг улканларидан; авлиёлар ҳеч қачон сукут сақламаганлар.

♦ Сизнинг ҳақингизда яхши гапиришларини хоҳлайсизми? Ўз ҳақингизда яхши гапирманг.

♦ Бизни ҳурмат қилишларини ҳис этибоқ, бахтиёр бўламиз.

♦ Хушхулқлиликнинг барча қоидалари аллақачонлардан бери маълумдирлар, озгина нарса етишмайди — улардан фойдаланиш маҳорати.

♦ Бизнинг камчиликларимизни кўрсатувчилардан миннатдор бўлмоғимиз даркор.

♦ Нуқсонларни ҳеч нима, ҳаддан ташқари кўнгилчанликдай, мақтамайди.

♦ Қизиқувчанлик – бехудаликнинг ўзи; одамлар, кўпинча, кейинчалик унинг билан мақтаниб юриш учун билим эгаллашга интиладилар.

♦ Бизни бизларсиз яратган Худо, бизни бизларсиз қутқара олмайди.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

УЧ ЭГИЗГА СОВҒА-САЛОМ

Қизилтепалик ака-ука эгизаклар — Ислом, Нурсултон ва Асқар кун сайин улғайиб, камол топмоқда. Яқинда вилоят ҳокимлигида ана шу уч эгизакка совға-саломлар улашилди. Бу қардошлик фестивали тантаналари бўлиб ўтаётган кунга тўғри келгани боис уларга совғаларни Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ва вилоят ҳокими Баҳриддин Рўзиев топширди. Эгизаклар эса ўзлари ёд олган ўзбек, қозоқ, қирғиз адабиётларига мансуб бўлган шеърлардан ўқиб беришди.

■ **Музаффар ШАРОПОВ**

БОЛАЛАР ФОТОКЎРГАЗМАСИ

Тошкентдаги замонавий санъат марказида «Гўзал кўзлар» мавзуида болалар фотокўргазмаси очилди.

— Ушбу фотокўргазма «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида уюштирилди, — деди фотокўргазма ташкилотчиси Шаҳноза Халилова **«Туркистон-пресс»** мухбирига. — Кўргазмада Самарқанд, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги 12 дан 16 ёшгача бўлган 104 нафар болаларнинг суратлари намойиш этилмоқда.

Сой бўлгин юрагим, сой бўлиб оққин,
Дилим гул юзларга бир бора боққин,
Шу гўзал юзларнинг кўкси устига,
Ишқ сатри битилган туморлар таққин.

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат**

ОГОҲЛИК

«ИЛТИМОС, РЎЙХАТДАН ЎТИБ ҚЎЙСАНГИЗ»

ЁКИ МАҲАЛЛА-КЎЙЛАРДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

Биз ўзбекмиз, меҳмондўст халқмиз. Уйимизга меҳмон келмаган кунни рўзғоримизга барака кирмади, деб ҳисоблаймиз. Айниқса, байрам, дам олиш кунлари бирбиримизни йўқлаш, ҳолимиздан хабар олиш урфодатимиз. Бироқ ачинарлиси шуки, яхши одатларимиздан ўзларининг ёмон мақсадларини амалга ошириб қолишга уринувчилар ҳам йўқ эмас. Шу боис, қариндош-уруғларини кўриш учун эзгу-ният билан шаҳарга келган ёки шаҳардан борган меҳмонларни профилактика инспекторлари ёки маҳалла посбонлари бир муддат тўхтатиб, «Акахон ёки укахон, биздан бирров рўйхатдан ўтиб қўйинг», — дейишса, бу гапларни оғир олманг. Дилхиралик қилиб, «Нима, мен жиноятчиманми, сен билан бирга боришим керак», — деган эътирозларсиз, рўйхатдан ўтинг, азиз меҳмон. Бу ҳол сизнинг озгина вақтингизни олса-да, аммо юртимиз тинчлигини таъминлашга асқотади.

Тўғри, биз қоғозбозликка қаршимиз. Аммо... юртимизга ҳавас назари билан қараган дўстларимиз билан бир қаторда, ҳасад кўзи билан турганлари ҳам йўқ эмас. Шу боис, бугун ўзингни, ўз ўйингни ўзинг асра, деган даъватга биноан Ўзбекистонимизни ҳам ўзимиз асрайлик.

Дарвоқе, терроризм балоси ҳамон у ер-бу ерда ўзининг қонли изини қолдираётган экан, ундан огоҳ бўлмоқ, унинг касри-касофатидан, мудҳиш ва аянчли оқибатларидан холи бўлмоқ учун ҳам профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари билан бирга кўп қаватли уйларнинг чердак ва ертўлаларига бегоналарнинг бемалол кириб-чиқишининг олдини олиш мақсадида уларнинг қулфланган-қулфланмаганлигини текшириш, дам олиш масканлари, меҳмонхоналар, хусусий уйлар, дала ҳовлилар ва бошқа иморатларни яна бир сидра кўздан кечириб чиқишлари мақсадга мувофиқдир.

Чунки, тинчлик иши ҳаммани иши. Профилактика инспекторлари олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари маҳаллада аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларни турли жиноий тажовузлардан ва ҳар хил ғоялар, хусусан, диний экстремистик ташвиқотлар таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётганини англамоқ лозим. Бу учрашувларда ички ишлар идораларининг бошқа соҳавий хизматлари, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари билан биргаликда маҳаллада жойлашган идора, ташкилот, корхона ва таълим муассасаларидан ҳам вакилларнинг иштирок этиши байрамни тартибли ва яхши кайфият билан ўтказишни кафолатлайди. Зеро, тўй кўпчиликники, хизмати ҳам, завқу таровати ҳам кўп билан тотли, кўп билан шавқли.

Ходимларимиз байрам муносабати билан ҳар бир милиция таянч пунктларида жамоатчилик вакиллари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари аъзолари, педагог-тарбиячилар билан биргаликда кеча-ю кундуз хизматда бўладилар. Зеро, байрамни яхши ниятлар ва кўтаринки руҳда ўтказиш маданиятли халққа хос фазилатдир.

■ **Шуҳрат РЎЗИЕВ, ИИВ ҲООББ ходими, милиция майори**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Дерматология ва венерология институти

2002 йил учун **аспирантурага** (2 та ўрин) қабул қилиш бўйича **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни 46-08-07 рақамли телефон орқали илмий кенгаш котибидан олиш мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 3-уй.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ҳокимининг 2001 йил 30 октябрдаги 1191-сон қарори билан давлат рўйхатига олиниб, Комил Қодирович Каримов номига берилган № 0116435 рақамли якка тартибдаги тадбиркорлик ҳақидаги патент йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ: АДАМСДАН САФИНГАЧА

Ҳар бир жараённинг ўзига хос ўтмиши, яралиш тарихи, ташаббускори бўлади.

Шу жиҳатдан теннис бўйича тўққизинчи бор ташкил этилаётган Ўзбекистон Президенти кубоги мусобақасининг тарихи ва эришилган натижалардаги муҳим аҳамият касб этадиган қирралари нималарда намоён бўлади? АТП туркумидаги мусобақалар орасида қаторасига уч йил энг яхши турнир деб топилган Президент кубоги шу пайтгача саккиз марта ўтказилган. Буюк Британия теннисчиси Тим Ҳенман 1997-1998 йилларда Президент кубогини қўлга киритган бўлса, 2000-2001 йилларда россиялик Марат Сафинга омад кулиб боқди.

1994 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу халқаро турнирнинг илк ғолиби америкалик Чак Адамс эди. Президент кубогининг асосчисидан биллур совринни қабул қилиб олиш учун Ч.Адамс барча ўйинларни юксак маҳорат билан ўтказди. Финалда эса Ф.Де Вульф (Бельгия) устидан уч сетда — 6/4, 4/6, 7/6 ҳисобида чиройли ғалабани қўлга киритди.

Дунё теннис юлдузлари эътиборини тортиб улгурган Президент кубоги турниридан марокашлик ракетка устаси Карим Аламий ҳам илиқ таассуротлар олган. 1995 йили Ислом Каримов топширган кубокни «Юнусобод» спорт саройида боши узра баланд кўтарганда К.Аламийдан бахтлироқ киши йўқ эди.

Орадан бир йил ўтгандан кейин Ўзбекистон пойтахтида испаниялик катта ракетка устаси Сафар кучди. Феликс Мантийя Президент кубогининг навбатдаги соҳиби сифатида қайд этилди.

1999 йилги мусобақа Жорж Бастлдек теннис юлдузини кашф этгани билан жаҳон спорти тарихида қолди. Бу швейцариялик теннисчи кетма-кет ғалабалардан кейин асосий турда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бундан илҳомланган Ж.Бастл Марк Россе сингари таниқли теннисчини ҳам мағлуб этиб, финалгача етиб келди. Аммо бош мукофот унга насиб қилмади. Ҳал қилувчи баҳсда тажриба ва маҳорат бобида Жорждан усталроқ германиялик Николас Киферга ўзбекона зарбоф тўн кийдирилди.

Сидней Олимпиадаси ғолиби Евгений Кафельников эсингизда бўлса керак. Унгача эса М.Сафин дунё теннисчилари таснифида карвонбошилик қилаётганди. Таъкидлаш жоизки, Марат айнан Тошкентдаги ғалабасидан кейин АТП тожини кийишга муяссар бўлган, ўшанда.

Ҳар йили Президент кубоги учун халқаро турнир ўтказиш мустақил Ўзбекистоннинг ажойиб анъаналаридан бирига айланди. Айни шу турнир мамлакатимизда оммавий теннисниг ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Президент кубоги тўққиз ёшга қадам қўйди, дедик. Албатта, бу тарих учун киприк қоқгудек муддат, холос. Лекин АТП ижрочи директори Марк Майлзнинг таъбири билан айтганда, бу мусобақа қисқа фурсатда бутун дунёга ёйилди.

■ **Озод РАЖАБОВ, ЎзА шарҳловчиси.**

ХИРОСИМАДАГИ ҒАЛАБАНИ СОҒИНИБ...

Шу йилнинг 29 сентябрь — 14 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида навбатдаги Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Унда қитъамиздаги давлатлар вакиллари спортнинг 38 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Мамлакатимиз спортчилари қитъа ўйинларида илк бор 1994 йилда қатнашганди. Хиросимада ўтган XII Осиё ўйинларида вакилларимиз спортнинг йигирма уч тури бўйича қатнашиб, ўнта олтин, ўн икки кумуш ва йигирмата бронза медалига сазовор бўлгандилар. Умумжамоа ҳисобида ўзбекистонликлар қирқдан ортиқ давлат спортчилари орасида бешинчи ўринни эгаллашган. Бангкокда ўтказилган XIII Осиё ўйинларида эса олтита олтин, ўн кумуш ва йигирма тўртта бронза медалини қўлга киритган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида ўнинчи ўрин билан кифояланишганди.

Жанубий Кореяда ўтадиган навбатдаги қитъа олимпиадасида Ўзбекистон спорт делегацияси сони аввалгиларига қараганда ортиши кутилмоқда. Вакилларимиз ушбу нуфузли мусобақада 27 тур бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Пусандаги баҳсларда 190 нафар спортчи майдонга чиқиши мўлжалланган. Шунингдек, улар билан бирга мураббий, ҳакам, мутахассис ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам XIV Осиё ўйинларида иштирок этадилар.

XIV Осиё ўйинлари шу ўйингохдан бошланади

Вакилларимиз мусобақанинг асосан яккакураш турлари бўйича беллашувларда қатнашадилар. Жамоавий баҳсларда эса ҳамюртларимиз футболдан ташқари, яна баскетбол(аёллар) баҳсларида ғолиблик учун майдонга чиқишади. Футболчиларимизнинг рақиблари тўғрисида илгари хабар қилгандик. Баскетболчи қизларимизнинг рақибалари ҳам жуда жиддий. Куръага кўра, Ўзбекистон баскетболчилари Хитой, Жанубий Корея, Малайзия терма жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин эгаллашган. «А» гуруҳида Япония, Хитой-Тайпейи, Ливан ва Ҳиндистон терма жамоалари баҳс юритишади.

Бугун мамлакатимиз спортчилари бутун эътиборни ана шу нуфузли мусобақада юксак натижаларни қўлга киритишга қаратишган. Мухлислар ҳам спортчиларимизга катта ишонч билан қарашмоқда. Айниқса, футболчиларимизга умид билан қарашмоқда. Саккиз йил мукаддам Япония майдонларида эришилган ғалабани соғиниб кутишмоқда.

❖

Пусанда ўтадиган XIV Осиё ўйинларига ҳозирлик кўраётган футболчиларимиз шу кунларда қатор ўртоқлик учрашувларида иштирок этмоқда. Бундан икки ҳафта илгари вакилларимиз Тошкентда Озарбайжон ёшлар терма жамоасига қарши тўп суриб, 3:1 ҳисобида зафар қучганлигидан хабарингиз бор.

21 август куни футболчиларимиз Бокуда Озарбайжон миллий терма жамоаси меҳмони бўлди. Қитъа олимпиадаси олдидан муҳим синов вазифасини ўтаган мазкур ўйинда ҳамюртларимиз ютқазиб қўйишди — 0:2.

Терма жамоамиз 7 сентябрда пойтахтимизда яна бир халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказишни режалаштирган. Шу куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси — Япония клублар терма жамоаси билан ўзаро куч синашади.

■ **Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 771

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 24-00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA